

осуществление внедрения таких оценок. Узбекистан здесь не исключение. Здесь существуют большие трудности и в повышении квалификации и переподготовке учителей. Применимость с учетом специализации уровня самого учебного заведения, основывается на базе той действительной ситуации, которая существует, при это даже т.н. «идеальные» образцы образовательных моделей западного образца не всегда находят свое полное отражение.¹¹ Да и на Западе, опыт показывает, что исследования и результаты, которые велись в области педагогической психологии не всегда возможны для практического применения, даже в странах , где существует высокий уровень проведения подобного рода исследований (к примеру страны Восточной Европы или Россия). Академические институты слабо вовлекались или не вовлекались вовсе в данный процесс, что драматически сказывалось на положение . В настоящее время , невозможно сделать общие выводы об удовлетворительности процесса или о результатах контроля эффективности разработанных стандартов в странах Центральной и Восточной Европы.

Конечно, везде в отдельных случаях существуют успешные перспективные проекты , но они недостаточны для утверждения в широком смысле об оценке насколько успешно реализуется процесс реформы.

Список использованной литературы:

1. Некоторые вопросы применения квалиметрии в рыночной экономике. - Проблемы создания регулируемого рынка. - М.: Изд. ЦЭМИ РАН, 1991.
2. Конкурентоспособность и квалиметрия // Электронная техника. - Выпуск. 4. - 1990. - Сер. 9.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АКАДЕМИК МОБИЛЛИК ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ганиева Б.

Ушбу мақолада олий таълим тизимида академик мобиллик масалалари ёритилган. Шунингдек, мобилликнинг тарихи, жумладан, қадим Шарқда илк мобиллик масалалари, бугунги кунда дунёда мобилликнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилади.

11. Можно отметить, что в Узбекистане существуют ряд подобных учебных заведения - Вестминстерский университет в Ташкенте, Сингапурский институт менеджмента, Корейский институт информационных технологий ИНХА и т.д.

АНАЛИЗ ТЕНДЕНЦИЙ РАЗВИТИЯ АКАДЕМИЧЕСКОЙ МОБИЛЬНОСТИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

Ганиева Б.

В данной статье рассматриваются вопросы академической мобильности в высшем образовании, так же возникновение первых предпосылок академической мобильности на Востоке. Дается обобщающий обзор тенденций развития современной мобильности в высшем образовании.

TRENDS OF ACADEMIC MOBILITY DEVELOPMENT IN HIGHER EDUCATION

Ganieva B.

This article includes the issues of academic mobility in higher education and the emergence of the first prerequisites for the academic mobility in the Oriental countries. Summarizing review of the trends in the development of modern mobility in higher education is given too.

Олий таълим тизимида юқори кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омилларидан бири – бу талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчиларнинг мобиллигини амалга оширишдир. Мобиллик – таълимни халқаролашуви орқали, дунёнинг барча мамлакатлари билан боғланиш, таълим тизими, таълим муассасаларини бири-бири билан солиштириш имконияти, муҳим жиҳатларини ўзлаштириш, жорий этиш орқали олий таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Мобиллик олий таълим муассасаларини тузилмаларини, давлат таълим стандартлари, ўқув режаларини мукаммаллаштиришга замин яратади. Мобилликнинг иштирокчилари сифатида талабалар, ОЎЮларининг академик ва маъмурий персоналлари, шунингдек ОЎЮ лари ҳам бўлиши мумкин. Индивидуал даражада халқаро мобилликнинг мақсади — глобал меҳнат бозори шароитида касбий фаолият юритишда касбий мослашиш имконияти, таълимни давом эттириш имкониятларини яратади.

Академик мобиллик - ўз олдига қўйилган мақсадга эришилгач, таълим ёки стажировка ниҳоясига етгач, унинг иштирокчиси ўз мамлакатига қайтишини англатади.

Академик мобиллик янги феномен эмас. Европада у университетлар пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлса, қадим Шарқдаги мадрасаларда мобиллик элементларини эътироф этиш мумкин.

Шарқда буюк алломаларни етиштирган таълим-тарбия ўчоғи, олий таълим

муассаси мақомини мадрасалар олган бўлиб, мадрасалар ҳақидаги дастлабки маълумот Х аср манбаларида учрайди. Шундан буён, бу ўқув даргоҳлари қайси тарзда бўлмасин, XX аср бошларига қадар ўз фаолиятини давом эттириб келган. Президент И.Каримов «Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм истаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари, мадрасалар энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди».

Манбаларда эътироф этилишича, теурийларгача ҳам айрим ҳудудларда олим ва уламоларнинг илм ва фанни ривожлантириш учун қилган хизматлари қўламига қараб, таълим тизими фаолияти ҳам ривожланган ва юксак натижаларга эришган. Муҳими, ҳар бир мадраса катта кичик бўлишидан қатъий назар, ўз таълим дастури, ўқув қўлланмалари, ўқув жараёни ва тизими, ички тартиб-қоидаларига эга бўлган. Таълим берувчи мударрислардан эса мустаҳкам билим, амалда ўз ижобий самарасини бера оладиган турли ўқитиш усуллар, мадрасанинг ички ва ташқи тартиб қоидаларга амал қилиш талаб этилган. Табиийки, ҳар бир мадраса жамоаси ўз мавқеини кўтаришга, таълим олишни мақсад қилган талабани ўз даргоҳига жалб қилишга ҳаракат қилган.¹²

Манбаларда ёзилишича “Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олиясининг шон – шуҳрати баланд эканлигини, унда фақат мовароуннаҳрликлар таҳсил олмай, балки Хуросон, Ҳиндистон, Рум ва бошқа Шарқ мамлакатларидан келганлар ҳам таълим олганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, мадрасаи олияда таҳсил муддати 16 йил эканлигини ҳам Шамсиддин Муҳаммад таҳсили мисолида исботлайди”¹³.

Йигирма аср давомида бутун дунёда академик мобиллик масштаблари доимий равишда ўсиб келган. Айнан, XX аср охири ва XXI аср бошларига мобиллик оммавий глобал ҳодисага айланди. 1965 йилдан 2012 йилгача хорижий талабалар сони 250.000 дан 4,5 миллионга ортди. Ҳозирги вақтда ҳар йилги ўсиш тахминан 100.000 кишини ташкил этади. 2025 йилга келиб, хорижий талабалар сони 7,5 миллионга етиши башорат қилинмоқда.

Дунёда бугунги кунда инглиз тилида таълим берувчи олий таълим муассасаларига эҳтиёж катта бўлиб, буларга АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Канада давлатлари киради. Бу мамлакатларнинг таълим муассасаларида инглиз тилида таълим берилиши натижасида талабалар контингентининг 42% ини хорижлик талабалар ташкил этади. АҚШ университетлари уларда таълим олаётган хорижлик талабалар сони бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Охирги маълумотларга кўра америка олий таълим тизимида хорижлик талабалар 820 мингдан зиёд, бу эса 10 йил олдинги кўрсаткичдан 40% га кўпдир. 2012-13 ўқув йилида хорижлик талабалар АҚШ иқтисодиётига тахминан 24 млрд. доллар ҳисса кўшдилар.¹⁴

12. Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоғи. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 110 бет. Б.4-5

13. Аҳмедов Б. Улуғбек. (Машҳур кишилар ҳаётидан). – Тошкент: 1989, Б.112-113

14. Иностранные студенты в США <http://www.theusaconsult.com/international-students-in-us/>

Академик мобиллик халқаро олий таълимни истиқболли йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутиб, ёшлар ўртасида жуда машҳурдир. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мобилликни бир қатор модель ва йўналишлари қабул этилганига қарамай, бу жараён иштирокчилари бир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Халқаро таълим институти аналитиклари 10000 дан зиёд Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкалик потенциал талабалар билан ўтказилган сўровномалар таҳлилида 76% респондент АҚШ олий таълим тизимини бошқа мамлакатларга нисбатан юқори баҳолаганлар. Бунда Буюк Британия улуши 50%, Канада - 33% ва Германия - 31%. Талабалар томонидан:

- ✓ олий ўқув юртлири ва дастурларнинг кенглиги;
- ✓ олий таълим сифатининг юқорилиги;
- ✓ хорижлик талабаларга бўлган муносабатнинг яхшилиги;
- ✓ таълим нархи;
- ✓ стипендия олиш имконияти;
- ✓ талабалар учун яратилган сервис;
- ✓ виза олишдаги қийинчиликлар;
- ✓ таълим олинадиган мамлакатдаги барқарорлик ва хавфсизлик;
- ✓ яшаш нархи;
- ✓ тил тўсиқлари каби масалаларда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Хитой, Австралия, Канада, Япония мамлакатлари бўйича статистик таҳлил амалга оширилган.¹⁵

Хорижий талабалар оқими турли мамлакатлар учун турлича. АҚШ дунёда энг кўп хорижлик талабалар таълим оладиган мамлакат ҳисоблансада, америкалик талабалар орасида уларнинг улуши тахминан 4% ни,¹⁶ магистратурада эса 11% ни ташкил этади холос.

Таълим олиш учун мамлакатни ташлашда қуйидаги факторлар аҳамиятга эга:

- ✓ таълим олишни иқтисодий жиҳатдан енгиллиги;
- ✓ бюрократик талабларнинг мураккаблиги;
- ✓ таълим тилини билиш даражаси;
- ✓ таълим олиш учун танланган мамлакатнинг географик яқинлиги;
- ✓ академик мобилликнинг анъанавий йўналиши аҳамиятга эга.

Кирувчи ва чиқувчи талаба мобиллиги баланси таълим соҳаси халқаро бозорида етакчи мамлакатлар фойдасига ҳал бўлади. Австралияга 18 та кирувчи хорижлик талабага 1 та чиқувчи талаба тўғри келади. Буюкбританияда эса бу нисбат 13 га 1, Янги Зеландияда — 12 га 1, АҚШда — 11 га 1 ни ташкил этади.¹⁷

15. <http://www.parta.org/articles/?id=221>.

16. <http://iipdigital.usembassy.gov/st/russian/article/2010/11/20101117120017x0.9234692.html#ixzz3qJg5fEBp>

17. Обзор практик международной академической мобильности <http://bolognaby.org/?p=2154>

Маълумки, олий таълим олиш жараёни, ҳатто таълим олувчининг ёшлигида ўзлаштирилган тилда олибборилса ҳам, мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан таълим тилига, таълимнинг сифати бевосита боғлиқдир. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар хорижлик талабаларни жалб қилишда юқори кўрсаткичларга эгадирлар. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар, таълим нархининг юқорилигига қарамай кўп миқдордаги хорижлик талабаларни жалб қилади. Нисбатан қиммат ҳисобланган Буюк Британияда хорижлик талабалар сони, Франция ва Германияга нисбатан анча кўп. Талабаларни таълим олиш учун жалб этишда албатта олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингда тутган ўрни катта аҳамиятга эга.

Халқаро академик мобиллик амалиёти <http://bolognaby.org/?p=2154> таҳлилининг маълумотларига асосан, кўп мамлакатларда, масалан, АҚШ да доимий равишда таълим олишнинг нархи ошиб борапти. Таълимнинг ўртача нархи йилига тахминан 30.000 долларни ташкил этади, таниқли университетларда эса — 45.000 долларгача боради. Бу билан бир қаторда маълум бир мамлакатдаги талаба сарф харажатлари миқдори (ўқув қўлланмалар, яшаш, овқатланиш, медицина хизматлари ва ҳ.к.) нинг нархига ҳам боғлиқ.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, таълим учун тўланадиган нархнинг баландлиги, таълим олиш мамлакатини танлашда асосий фактор бўла олмайди. Олинадиган таълимнинг «нархи ва сифати», танланаётган таълим муассасасининг халқаро миқёсдаги рейтинги муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Академик мобилликнинг тил, маблағ борасидаги тўсиқларидан ташқари, қисқа ва узоқ муддатли мобилликни ўз мамлакатида тан олиниши масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда бу борада Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолияти натижаларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг ўз устида мунтазам ишлашларини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, олий таълим муассасасидан кейин чет элда таълим олган шахсларни олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнига янада кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 246-сонли қарори эълон қилинди. Хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан хорижий давлатларда олинган фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишни ташкил этиш схемаси келтирилди.¹⁸ Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. «Илмий даража»

18. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 455-модда

сўзларидан кейин «(шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига)» сўзлари қўшилди.¹⁹ Бу халқаро мобилликни Ўзбекистонда тан олиниши механизмларини йўлга қўйишда муҳимдир.

Халқаро мобилликни ривожланиши кўп жиҳатдан маълум бир мамлакат ёки таълим муассасаси томонидан рағбатлантириш сиёсатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, хорижий мамлакатда олинган таълимни, PhD ҳимоясининг тан олиниши ва рағбатлантирилиши, халқаро таълим олишга бўлган интилишни, рағбатни кучайтиради. Бу эса ўз навбатида, мамлакатларнинг илмий потенциалини юксалишига, илм-фанни ривожланган хориж мамлакатларининг ютуқлари асосида ривожлантиришга, замон билан ҳамнафас мутахассисларни етиштиришга замин ҳозирлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Улуғбек. (Машхур кишилар ҳаётидан). –Тошкент: 1989, Б.112-113
2. Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоғи. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 110 бет.Б.4-5
3. More information on the European Union is available on the Internet (<http://europa.eu>). Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2014
4. Иностранные студенты в США// <http://www.theusaconsult.com/international-students-in-us/>
5. Обзор практик международной академической мобильности <http://bolognaby.org/?p=2154>
6. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2733753
7. http://www.studyamerica.ru/cgi-bin/issue.cgi?action=article&ar_id=216
8. <http://www.parta.org/articles/?id=221>

ТАЪЛИМ, МАЛАКА ОШИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА КЛАСТЕР ЁНДАШУВНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ходжаев А., Хошимов А.

Мазкур мақола мутахассислар компетенциясининг доимий тараққий этиб боришга бўлган эҳтиёжни кўрсатиб беради. Касбий компетенциянинг шаклланиши олий таълим институтларининг энг муҳим мақсади саналади.

19. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2733753